

Ажи-бужи сўзлар



12:00 / 20.11.2021 3009

Бизга ёқмайдиган ишларда ҳам ҳамд айтиладиган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин!

Мен ҳам сизга ўхшаб ўзим амал қилмаган нарсаларни кўп гапираман. Бомдод намози ҳақида гапириб, ўзим ухлаб қоламан.

Саховат ҳақида оғзим кўпириб гапираман. Аслида фақирнинг қўлига қўйган охирги чақам ёдимда йўқ...

Атрофдаги қийналаётган мусулмонлар ҳақида телевизор олдида иссиққина чой ичиб ўтириб гапираман...

Суриялик йиғлаётган болачани кўраётганимда болаларим менинг иссиқ қучоғимда бўлишади...

Америка маҳсулотларини сотиб олмаслик ҳақида гапираётиб оғзимда
Америка сақичи бўлади...

Ҳар кунлик ажойиб нонуштам вақтида Сомалини ёдга оламан...

Мен ўзбекман. Дунёвий ишларимни худди абадий яшаётгандек бажараман.

Охиратим учун гўё ўлмайдигандек амал қиламан...

Мен ҳам сизга ўхшаб ҳаётимни яхшилашга, шароитларимни қулай қилишга
интиламан. Яхши ейишни, кўп пул топишни истайман...

Зиёлилар китоб ўқишгани учун китоб ўқийман. «Маданиятли»лар қаҳва
ичишгани учун чой ўрнига қаҳва ичаман. Чой обрўни тўқар эмиш...

Мен ҳам сизга ўхшаб насиҳат қилишни, ваъз қилишни яхши кўраман. Ҳар-
бир ўзбек аслида воиз. Чунки насиҳат қилиш осонда...

Ҳаммангиз каби диндан гапираман. Бугун барча, ҳатто бизнес
тренингчилар ҳам диндан гапиряпти...

Худди сизга ўхшаб, қўлимдан ҳеч нарса келмаса ҳам нефтнинг нархи,
озиқ-овқатларнинг нархи кўтарилаётганини гапираман...

Олтиннинг нархига қизиқаётган қилиб кўрсатаман ўзимни. Аслида охириги
марта сотиб олган олтиним хотинимга маҳр учун олган зирақдир...

Ўзимни кўрсатмоқчи бўламан...

Ва ҳоказо...

Абдулқодир Полвонов